9300027175 -сонли шартнома

**2-гурух Истеъмолчиларига ичимлик ва окова суви хизматларини кўрсатиш учун**

«05» Январ 2022 й.

Ушбу шартнома «Наманган сув таъминоти» МЧЖнинг Наманган шаҳар бўлими, кейинги ўринларда «Таъминотчи» деб юритилади, Низом асосида фаолият юритувчи Е. Ходжиев (Ф.И.Ш.), шахсида, бир томондан ва кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб юритилувчи Наманган ИСМ асосида иш олиб борувчи директор Н.Юсупова (Ф.И.Ш., лавозими), иккинчи томондан, қуйидагилар ҳақида тузилди:

## I.Шартнома предмети

1.1. 2022 йилга сув етказиш ҳажми учун тузилган шартномага мувофик бюджет ташкилотлари (бундан буён матнда II гуруҳ истеъмолчилари деб юритилади) учун сув етказиш 3862-25 нарх бўйича 5896 $м^3$ни:

$1м^3$ ичимлик сув учун________ сўм (+ҚҚС 15%), + _____ сўм (махсус устама хақ)ни ташкил килмокда

$1м^3$ окова сув учун __________ сўм (+ҚҚС 15%) + _____ сўм (махсус устама хак)

Шу тарика шартноманинг умумий киймати 22771826 сўмни ташкил килди. (сумма ёзув билан)

Шу жумладан, бюджет маблағларидан 22771826. сўм,

бюджетдан ташкари маблағларидан __________ сўм

бюджетдан ташкари маблағлардан тўланиши кўзда тутилган.

II гуруҳ истеъмолчилари Қоидаларда белгиланган тарзда «Таъминотчи» томонидан тақдим килинган ҳисобварак-фактураларга асосан, Молия вазирлиги Ғазначилиги оркали сув таъминоти ва окова сувини чикариш учун ўтказилган маблағлар оркали амалга оширилади.

1.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни O'zDSt 950: 2011 «Ичимлик суви, гигиеник талаблар ва сифат назорати» амалдаги стандартига мувофик равишда (туман худудларида хоким томонидан тасдикланган сув бериш жадвалига асосан) ичимлик суви билан таъминлайди. Ушбу стандарт назорат Давлат санитария-эпидемиология назорати томонидан амалга оширилиб, сув қувурлари тариф кийматида (ҚҚС ни ҳисобга олган ҳолда) хўжалик-маиший ва ишлаб чикариш-технологик эҳтиёжларга йўналтиради.

1.3. «Истеъмолчи» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.11.2017 йилги «Сув таъминоти ва сув чикариш хизмати курсатиш сохасида тулов интизомини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тугрисида» ги 5241-сонли Фармонига асосан «Таъминотчи»га кўрсатилган сув таъминоти ва сув чикариш хизматлари учун тўловларни 100 % олдиндан амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг сув таъминоти ва окова сувини чикариш бўйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг конунчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли карори билан тасдикланган «Истеъмолчиларга сув таъминоти ва окова сувни чикариш хизматлари кўрсатиш Қоидалари»га (кейинчалик матнда – Қоидалар деб юритилади), ҳамда Наманган вилоят ҳокимининг 2019 йил "04" мартдаги 83-ф-сонли Фармойишига асосан 2019 йил 1 мартдан ичимлик сув таъминоти ва окова сув хизматлари тарифларига истеъмолчиларга ичимлик сув таъминоти учун 50 сўм/$м^3$ , окова сув хизматлари учун 50 сўм/$м^3$ махсус устама жорий этилган хакни асосий тарифга кушиб тулашни ҳамда «Таъминотчи» томонидан тақдим килинган коммунал сув етказиб бериш ва окова сув чикариш тизимига уланиш учун рухсат этувчи ҳужжатларга риоя килиш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

1.5. «Истеъмолчи» ушбу шартномага, унинг тасарруфидаги барча объектларининг (филиал ва суб-истеъмолчиларнинг) дислокациясини, уларнинг сувда эҳтиёжи ва сув тизимига уланишдаги эҳтиёжини, етказиб беришнинг микдори ва диаметрларини кўрсатган ҳолда, кадастр нусхасини тақдим килади. «Таъминотчи» ўз вактида сув [illegible] азиш-окова